

integratsiya darajasining pastligi ijtimoiy-iqtisodiy faollikka salbiy ta'sir ko'rsatmoqda. Metodik bo'shliq: Nazariy bilimlarni real iqtisodiy jarayonlar bilan bog'lovchi, xususan, shaxsiy byudjetni rejalashtirish va risklarni boshqarish bo'yicha amaliy treninglarning yetishmasligi sezilmoqda.

Tadqiqot natijalari shuni ko'rsatadiki, raqamli moliya asrida aholining moliyaviy savodxonligini oshirish shunchaki ta'limiy jarayon emas, balki milliy iqtisodiy xavfsizlik va barqarorlikni ta'minlovchi strategik instrumentdir. Raqamli texnologiyalarning moliya sektoriga shiddat bilan kirib kelishi aholidan nafaqat an'anaviy iqtisodiy bilimlarni, balki yuqori darajadagi raqamli madaniyatni ham talab etmoqda. Xulosa qilib aytganda, moliyaviy jihatdan savodli jamiyat – iqtisodiy inqirozlarga chidamli, firibgarlik tuzoqlaridan himoyalangan va mamlakatning investitsion jozibadorligini ichki resurslar hisobiga oshirishga qodir bo'lgan qudratli kuchdir. Hamda aholining moliyaviy savodxonligini oshirish maqsadida quyidagi takliflarni bera olishimiz mumkin:

- ✓ maktab va Oliy ta'lim tizimida moliyaviy savodxonlikka oid fanlarni joriy etish,
- ✓ davlat tashkilotlari tomonidan aholi o'rtasida turli smenalar o'tkazish,
- ✓ OAV orqali moliyaviy xavfsizlik haqida dasturlar qilish.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (2021). Аҳолининг молиявий саводхонлик даражаси тўғрисида ҳисобот*
2. *О'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 12-maydagi PQ-4712-son Qarori 2020–2025-yillarga mo'ljallangan bank tizimini isloh qilish strategiyasi to'g'risida.*
3. *OECD (2023). OECD/INFE International Survey of Adult Financial Literacy. Paris: OECD Publishing. (Moliyaviy savodxonlik bo'yicha xalqaro statistik ma'lumotlar manbasi)*
4. *Lusardi, A. (2019). Financial Literacy and the Need for Financial Education: Evidence and Implications. Swiss Journal of Economics and Statistics, 155(1).*
5. *World Bank (2022). Financial Consumer Protection and Financial Literacy in Digital Finance. Washington, DC: World Bank Group. (Raqamli moliya va iste'molchilarni himoya qilish masalalari)*
6. *Markaziy bank rasmiy sayti: www.cbu.uz (Milliy statistika va moliyaviy savodxonlik dasturlari bo'yicha ma'lumotlar)*

ЎЗБЕКИСТОН АГРОСАНОАТИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИДА МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИК ВА ФИСКАЛ СИЁСАТНИНГ МИНТАҚАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Рахмонова Сарвиноз Фахриддин қизи

ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий тадқиқот маркази докторанти

Ўзбекистонда агросаноат мажмуаси (АСМ) рақобатбардошлигини ошириш мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги, экспорт салоҳияти ва ҳудудий иқтисодий барқарорликни таъминлашда стратегик аҳамият касб этади.

Замонавий иқтисодий шароитда агросаноат рақобатбардошлиги фақат табиий ресурслар, ишлаб чиқариш қувватлари ёки давлат қўллаб-қувватлаш чоралари билан эмас, балки институционал муҳит ва инсон капитали сифатининг интеграцияси орқали шаклланади.

Шу нуқтаи назардан, бюджет-солиқ сиёсати самарадорлиги ва аҳолининг молиявий саводхонлик даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик минтақавий ривожланишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Ўзбек олимлари томонидан аграр соҳада тадбиркорликни ва кичик бизнесни ривожланиши тенденциялари ҳамда уни такомиллаштириш бўйича кўплаб илмий-амалий тадқиқот ишлари олиб борилган. Масалан, Б.Т. Салимов ва М.С. Юсуповларнинг илмий ишларида фермер хўжаликларини ривожлантириш учун унинг экспорт салоҳиятини ошириш зарурлиги қайд этилган.¹⁴⁹

Е.И. Эргашев ўз илмий мақоласида аграр тармоқ хўжаликлари рақобатбардошлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири сифатида тадбиркорлик даражасига алоҳида эътибор қаратади.¹⁵⁰ У.С. Мухитдинова иқтисодийтн модернизациялаш шароитида мева-сабзавот маҳсулотлари бозорини ривожлантириш йўналишларини тадқиқ этган,¹⁵¹ М.Ч. Муродова эса кластер усулида агробизнесни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганган.¹⁵²

Юқорида кўриб чиқилган илмий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, агробизнес масаласи мустақил илмий йўналиш сифатида етарли даражада комплекс ва чуқур ўрганилмаган (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон агробизнес соҳасида мавжуд асосий муаммолар

Асосий камчилик	Қисқача тавсиф
Молиявий ресурсларга кириш имконияти чекланган	Кичик фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари арзон кредит ва молиявий хизматларга етарли даражада кириш имкониятига эга эмас. Бу ҳолат замонавий технологияларни жорий этиш ва инвестицион фаолликни чеклайди.
Эскирган агротехник усуллар	Анъанавий деҳқончилик усулларининг устуворлиги меҳнат ва табиий ресурслардан самарасиз фойдаланишга олиб келмоқда. Бу эса ҳосилдорликнинг паст даражада сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда.
Бозорга кириш имкониятларининг чекланганлиги	Маҳсулотларни ташиш ва сақлаш инфратузилмасининг ривожланмаганлиги маҳсулот сифати пасайишига ва бозорларга чиқиш имкониятларининг чекланишига олиб келмоқда.
Замонавий технологияларни жорий этиш даражасининг пастлиги	Аниқ деҳқончилик ва барқарор қишлоқ хўжалиги технологиялари фермерлар орасида кенг тарқалмаган.
Касбий билим ва амалий кўникмаларнинг етишмаслиги	Кўплаб фермерлар томонидан замонавий агротехнологияларни қўллаш ва агробизнес фаолиятини самарали бошқариш учун зарур бўлган билим ва амалий кўникмалар етарли даражада ривожланмаган. Шунинг учун фермерларнинг касбий салоҳиятини ошириш, уларни тизимли равишда ўқитиш ва малакасини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.
Маъмурий ва ҳуқуқий тўсиқлар	Бюрократик жараёнлар мураккаблиги ва ҳуқуқий тартиб-таомиллар ортиқчалиги агробизнесда инвестиция фаоллигини чеклаши мумкин.

Давлат агросекторни қўллаб-қувватлаш мақсадида мақсадли фискал

¹⁴⁹ Salimov B., Yusupov M. Chuqur tarkibiy o'zgarishlar va modernizatsiya orqali qishloq xo'jaligini jadal rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari// "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. –No 2, mart-aprel, –2017-yil

¹⁵⁰ Ergashev E.I. Agrar tarmoq xo'jaliklarini rivojlantirishning o'ziga xos xususiyatlari va omillari// "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. No 5, sentabr-oktyabr, 2015-yil.

¹⁵¹ Muxitdinova U.S. Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida mevasabzavotchilik mahsulotlari bozorini rivojlantirish yo'nalishlari. Iqt.fan.dok.ilm.dar.olish uchun yozilgan dis.avtoref. – T.: 2010 – b.36.

¹⁵² Муродова М.Ч. Агротехнологияларни ташкил этишда жанубий корей тажрибасидан фойдаланишнинг йўналишлари// "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. –No 4, iyul-avgust, 2019-yil.

инструментларни жорий этмоқда.

Хусусан: Қишлоқ хўжалиги ерлари учун ер солиғи ставкаси ернинг меъёрий (кадастр) қийматига нисбатан 0,95% миқдорида белгиланган, пахта ва ғалладан ташқари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари реализациясига 0% ҚҚС ставкаси қўлланилади, янги барпо этилган боғ, токзор ва тутзорлар учун ер солиғи 5 йил давомида 50% камайтирилган ставкада ундирилади, қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этган агрокорхоналар учун 3 йилдан 10 йилгача солиқ имтиёзлари тақдим этилади.

Ушбу механизмлар агросаноат субъектлари учун нисбатан юмшоқ фискал муҳит яратади, ишлаб чиқариш таннархини камайтириш ва инвестицион фаолликни рағбатлантириш имконини беради.

Бироқ институционал имкониятларнинг мавжудлиги автоматик равишда юқори иқтисодий самарадорликни таъминламайди.

Ўзбекистонда агросаноатни қўллаб-қувватлашга қаратилган солиқ имтиёзлари ва фискал механизмлар жорий этилган бўлса-да, уларнинг минтақавий иқтисодий натижалари бир хил эмас.

Бюджет-солиқ сиёсати орқали яратилган имкониятларнинг реал иқтисодий натижага айланиши фақат ресурс фарқлари билан эмас, аҳоли ва фермер хўжаликларининг молиявий саводхонлигига боғлиқ.


Ўзбекистон ҳудудлари табиий-иқтисодий ихтисослашуви, инфратузилмавий имкониятлари ва молиявий хизматлардан фойдаланиш даражасига кўра фарқ қилади. Шу сабабли бюджет-солиқ сиёсатининг таъсири ҳам минтақавий кесимда турлича намоён бўлади.

Сув тақчиллиги мавжуд ҳудудларда молиявий саводхонлик даражаси юқори бўлган фермерлар сув тежовчи технологияларни жорий этишда фаолроқ иштирок этадилар.

Боғдорчилик ва токчиликка ихтисослашган ҳудудларда инвестицион таҳлил қобилияти юқори субъектлар экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришга кўпроқ йўналадилар.

Чекка ҳудудларда рақамли молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайиши молиявий саводхонлик даражасига бевосита боғлиқ.

Демак, минтақавий кесимда агросаноат рақобатбардошлиги қуйидаги институционал-иқтисодий занжир орқали шаклланади (расм-1)



Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда агросаноат ишлаб чиқаришининг рақобатбардошлигини таъминлаш фақат ишлаб чиқариш ресурслари ёки давлат томонидан кўрсатилаётган қўллаб-қувватлаш чоралари билан чекланиб қолмайди. У, аввало, институционал муҳит самарадорлиги ва инсон капитали сифатининг ривожланганлик даражаси билан узвий боғлиқ.

Бюджет-солиқ сиёсати орқали шакллантирилаётган иқтисодий рағбатлантириш механизмлари агросаноат субъектлари учун нисбатан қулай фискал муҳитни яратиб бермоқда. Бироқ мазкур механизмларнинг иқтисодий самарадорлиги мамлакат ҳудудлари кесимида бир хил даражада намоён бўлмапти. Бу ҳолат фермер хўжаликлари ва агробизнес субъектларининг молиявий саводхонлик даражаси билан бевосита боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан, агросаноат тармоғида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштириш билан бир қаторда фермерлар ва агробизнес субъектларининг молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган институционал ва таълимий чора-тадбирларни кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Salimov B., Yusupov M. *Chuqur tarkibiy o'zgarishlar va modernizatsiya orqali qishloq xo'jaligini jadal rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari*// "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. –No 2, mart-aprel, –2017-yil

2. Ergashev E.I. *Agrar tarmoq xo'jaliklarini rivojlantirishning o'ziga xos xususiyatlari va omillari*// "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. No 5, sentabr-oktyabr, 2015-yil.

3. Muxitdinova U.S. *Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida mevasabzavotchilik mahsulotlari bozorini rivojlantirish yo'nalishlari*. Iqt.fan.dok.ilm.dar.olish uchun yozilgan dis.avtoref. – T.: 2010 – b.36.

4. Муродова М.Ч. *Агрокластерларни ташкил этишда жанубий корей тажрибасидан фойдаланишнинг йўналишлари*// "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. –No 4, iyul-avgust, 2019-yil.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМОВ ПЛАНИРОВАНИЯ И ФИНАНСИРОВАНИЯ РАСХОДОВ В СФЕРЕ ОБРАЗОВАНИЯ КАК ПРИОРИТЕТНОЕ НАПРАВЛЕНИЕ РАЦИОНАЛЬНОГО УПРАВЛЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННЫМ БЮДЖЕТОМ

Гозиева Мохларой
Магистрантка, ТГЭУ

Аннотация. В тезисе рассматривается тема совершенствования планирования и финансирования расходов в сфере образования как важного направления рационального управления государственными финансами. Проанализированы существующие формы распределения бюджетных средств и выявлены сложности их эффективности. Особенное внимание уделяется совершенствованию программно-целевого бюджетирования и оценки результативности бюджетных расходов. Предложены практические рекомендации по повышению эффективности использования финансовых ресурсов, учитывая, что расходы на образование в 2026 г. составляют около 100 трлн сумов в образовательной сфере. Реализация предложенных мер будет способствовать укреплению бюджетной дисциплины и повышению качества управления государственными финансами.

Ключевые слова: государственный бюджет, бюджетная политика, планирование расходов, финансирование образования, эффективность